

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Ҳафтанинг юдузли онлари

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ ҳужалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Суз мулкнинг сўтғони, буюк мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуд тошган кўннинг 557 йиллиги

муносабати билан республикаимизнинг турли жойларида адабий учрашувлар, кечалар, навийхонликлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги шоир номи билан аталувчи боққа шоир ва ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари тўғрисида, буюк аллома бобомиз хотирасини ёд этишди.

● Вазирлар Маҳкамасида Республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи уринбосари, мазкур комиссия раиси И. Журабсков бошқарди.

Йиғилишда Наманган, Самарқанд ва Нукус шаҳарларидаги эпидемиологик вазият муҳокама этилди.

● «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг таъсисчилари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказини куллаб-қувватлаш тўғрисида қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Республика меҳнат вазирининг уринбосари бўлиб ишлаб

келаётган Р. Убайдуллаева марказ директори этиб сайланди.

● Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган ТАСИС дастурининг Ўзбекистонда фаолият юрита бошлаганига беш йил тулди. Шу муносабат билан Тошкентдаги «Туркистон» саройида брифинг ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таклифига биноан Буюк Британия парламенти делегацияси расмий ташириф билан республикаимизда бўлди.

● Фан ва техника давлат ку-

митасида Президент Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон ХХI аср бусағасида: хавфсизликка таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бўйича туркум суҳбатлар бошланди.

● Фарғонада республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Эко-сан», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ҳамкорликда эълон қилган «Энг ибратли келинчак» танловининг шаҳар босқичи якунланди. 30-маҳаллада истикомат қилувчи Лола-хон Усмонова Фарғона шаҳрининг «Энг ибратли келинчаги», деган номга сазовор бўлди.



ДИҚҚАТ: БИЛДИРУВ

Халқимизда «Етти авлодингни бил, шунда қариндошлардан ажраб, бегоналашиб кетмайсан», деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Оила шажарасини билиш кишилар ўртасида қариндошлик ришталарининг узилиб кетмаслигига, ёшлар қалбида авлодлари билан фахрланиш туйғуси жуш ўришига хизмат қилади. Шунини эътиборга олиб, «Оила ва ҷамият» газетаси таҳририяти «Оила йили» муносабати билан


«Оила шажараси» танловини

ўтказишга қарор қилди.

Танловда барча юртдошларимиз иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун етти ёки ундан ортиқ ажлоди ҳақида таҳририятимизга батафсил ёзиб юборишса кифоя.

Бундай катта шажаралар жумҳуриятимизнинг қайси бир нуқтасида бўлмасин, таҳририятимизнинг танлиқ журналистлари уша сулолаларни урганиб, кенг қамровли мақолаларни газетамизда чоп этишади.

*Қанийди табиат
қўлидан келса,
Абадий этолса
Сенинг умрингни.
Розийдим, онажон, —
Иложи бўлса —*



*Сенга қўшиб берса менинг умримни!
Бир кечалик алланг ҳурмати учун
Юз йиллик умримни бағишласам кам.
Кўчирсам қалбингга
Қалбимнинг кучин,
Қарзим узилмасдан қолур шунда ҳам.*

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Ахборот

«НАФОСАТ» ИШ БОШЛАДИ

Яқинда Гузорда туман технология ва иқтисод коллежи, 13-касб-хунар мактаби ҳамда 11-қишлоқ ҳужалик лицейи ўқитувчилари, талабалари иштирокида «Қизларни, усмир ешларни турмушга тайёрлаш ва хотин-қизлар маънавий камолоти жамият тараққиётининг муҳим босқичи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Суҳбатни ҳоким уринбосари, туман хотин-қизлар кумитаси раиси Турди Эшонкулова олиб борди ва оила

йилида амалга ошириладиган ишлар, қизлар тарбияси, аёл маънавияти, соғлом авлод тарбияси борасидаги долзарб масалаларга тўхтади.

Туман марказий кутубхонаси жамоаси эса йирилганлар учун янги китоблар кургасмасини ташкил эттишти.

Туман хотин-қизлар кумитаси ташаббуси билан утган бу тадбир йирилганларда катта таассурот қолдириди.

Лола МИРЗАЕВА,
Қашқадарё вилояти

6 феврал куни «Саодат» журнали таҳририятида журналист аёлларнинг «Нафосат» номли кенгашини ташкил қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Хурият» газетаси бош муҳаррири Х. Дустиҳмаммал, «Саодат» журнали бош муҳаррири, шоира О. Ҳожиева ушбу кенгашни тузишдан қузланган мақсад ва унинг вазифалари ҳақида йирилганларга сузлаб бердилар.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий Жамғарма-

си ҳамда «Саодат» журнали қошида очиладиган бу кенгаш журналист аёлларнинг узро ҳамкорлигини таъминлашни, оила, жамият, маънавий қадриятлар, тарих, маориф ва миллий тарбия мавзуларида теран таҳлилий мақолалар тайёрлашни, миллий руҳлиги «Аёл» энциклопедиясини яратишни, журналист аёлларнинг ўзи танлаган соҳа, йўналиш бўйича ихтисослашуви-га кумаклаштишни мақсад қилиб қўйган.

Ўз мухбиримиз



— Бунча тўполончи бўлмасанг-а...

Бу воқеага салкам уттиз йил бўлиб қолди. Ушанда Нарзиқул эндигина Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини физика-математика факултетини имтиёзли дилшом билан битириб, ўзи туғилиб-ўсган Жиззах вилояти Зомин туманидаги Бешқуба қишлоғига онасини қургани борганди.

— Худоба минг бор шукур, ўғлим, олий маълумотли ҳам бўлдинг, — деди Тўқсулук хола. — Илмлилар минг яшар, дейишди. Демокчиманки, болам, ўқишни яна давом эттир. Отаннинг арвоғи ҳам шол бўлади, рўзгорини эса амаллаб турамыз, укаларинг бор бўекда...

— Хун бўлади, онажон, устозларим ўзи институтда олиб қолишадиган бўлишди.

— Яхши бўпти, мартабанг баланд бўлсин.

Шу-шу бўлди-ю, илмга чанқок, идрокли Нарзиқулни ўзи битирган олий ўқув юртининг академик Пулат Ҳабибуллаев стажчилик қилаётган умумий физика кафедрасида ўқитувчи қилиб олиб қилишди. Йилларни қувиб, йиллар ўтди. Иқтидорли йигит дарс бериш билан бирга илмий-тадқиқот ишини ҳам чамбарчас қушиб олиб борди. Илмий изланишлари зое кетмади. Пулат Ҳабибуллаев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли еқлади.

Нарзиқул Турдиев бугунги кунда Республика таълим маркази директорининг биринчи уринбосари лавозимида фаол ишлаб келмоқда.

Муस्ताқил республикаимиз миқёсида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, халқ таълими тизими учун миллий дастур, ўқув қўлланмаси, дарслик ва бошқа методик адабиётлар яратишда фаол иштирок этиш, бу ишларни ташкил қилиш, ҳамма-ҳаммасида Тур-

1998 йил — Оила йили

диснинг хизматлари, ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Масалан, утган йилнинг август ойида Туркиядаги Бурса шаҳрида мактаб ўқувчиларининг биринчи Евро-Осиё олимпиадаси бўлиб ўтди. Физика фанидан ўтказилган ана шу нуфузли анжуманда иштирок этиши лозим бўлган ўқувчиларимизни зўгата хос мусобақага тайёрлаш, хоржий мамлакатга олиб бориш билан боғлиқ барча ишларга Турдиев бевосита раҳбарлик қилди. Нарзиқул старли билим, малака ва тажрибага эга бўлгани

боис ҳам республикаимиз вакиллари Туркиядан урта олтин, битта кумуш ва битта бронза медал билан қайтишди.

Нарзиқул Турдиев шунчаки республика халқ таълими, фани ривожига муносиб ҳисса қўшадиган яхши мутахассисгина эмас, балки ҳанас қилса арзигулик оила бошлиғи ҳамдир. Унинг умр йўлдоши Дилдора республика иқтисодиёт лицейида олий тоифали физика ўқитувчиси. Катта ўғли Низом ички ишлар инспектори, Санобар ва Сайёра ўқитувчи, Гулнора Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида талаба бўлса, Ойбек «Ўзбек-Туркия» ҳамкорлигида очилган лицейнинг 9-синф ўқувчиси. Нарзиқул ва умр йўлдоши Дилдорахонлар бир-биридан ширин уч нафар неваранинг суюкли бобоси ва бувиси ҳамдирлар.

Бу оилани ҳеч иккиланмай «зиёкорлар оиласи» дейиш мумкин.

Музаффар ТУРОБ

ЗИЁКОРЛАР ОИЛАСИ

ВОЗРАСТ

Ойдин туйғулар

Тун. Само қарғига сочилган сонсиз юлдузлар қоронгу сўқмоқлар кучоғидан кимнидир тинимсиз излаётгандай. Кунгил алланечук беқарор, югурик. Ҳаёлда мунис бир хотиралар бош қутаради. Олис-олисларда қолган қишлоғим куз олдимда жилваланади.

О, юртим оқшоми! Сен қанчалар дилқушосан. Дунёда фақат сенгина менинг сирларим, дардларимдан воқифсан. Уша дамлар ҳар оқшом гуеки юлдузлар мени ўз бағрига қорлар ва биз муҳаббатнинг тотли туйғулари ҳақида сирлашардик. Гоҳида кукка қалган нигоҳларим улардан, «бахт

ниманда, унга қандай эришмоқ мумкин?» — деб сурарди. Саволларимга жавоб беришга аритилаётган само маляклари эса маъноли жилоланарди.

Бу кун олис бир улканинг сукунатли туни қучоғида сирлар мамлакатининг лашкарлари саналмиш юлдузлар жамолига маҳлиё бўлиб, яна сени қумсапман, сулим оқшомларида адашиб қолган болалигимнинг сеҳрли туллари...

Рухсора ТУХТАМИШЕВА,
Навоий вилояти,
Нахрипай қишлоғи

Япониянинг Нагано шаҳрида бошланган XVIII қишқи олимпиадада дастлабки олтин медаллар тақдим этила бошланди. Сир эмас, олимпиада чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлган спортчиларни ўз ватанларида ҳам юксак мукофотлар кутади. Масалан, олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритган чемпиони учун Германия 30 минг марка тўлайди. Бу борада Германиядан кейин америкаликлар туради, чемпион бўлган америкаликка давлат 27 минг марка тўлайди. Энг юқори мукофот Россиядан қатнашган спортчиларга насиб этиши мумкин. Наганодаги олимпиадада чемпионликни қўлга киритган россиялик спортчи 180 минг марка олиши мумкин. «Ҳар ойига ўртача 230 маркадан иш ҳақи олиб ишлайдиган россиялик бундай «олимпиада совғаси» учун 65 йил меҳнат қилиш керак бўлади», деб езади «Кельнер штатданцайгер» газетаси. Француз эки италян спортчи-

си эса олтин медал учун 75 минг маркадан олиши мумкин. Демак, чемпион бўлишнинг ўзи бир омад бўлса, ундан келадиган даромад ҳам бир бахт:

Бирлашган Араб Амирликлари фукароси Салим Жума Муборак куп болали ота ҳисобланади. 50 ешли муаззин матида азон айтиб, мусулмонларни беш вақт номозга даъват этади. У эллик ешида олти хотинилан 49 нафар фарзанд курди. Олдинги уч хотинига алимент тўлайди. Ҳозир ўзи билан яшайдиган уч аёлининг ҳар бирига, боалари билан албатта, алоҳида уй-жой қилиб берган. Бундан беш йил бурун у 60 та болини боқишга курб этинини айтган ва куп болали ота сифатида миллий рекорд ўрнатишга қарор қилган эди. Бирок молиявий имкониятлар унинг бу ҳаракатига тўқсинлик қилди. Утган йили туғилган фарзандидан кейин у бойликларини ҳисоб-китоб қилиб, яна уйланиши учун қўли қалталиқ қилишини сездди. Еттинчи хотини учун ҳам



уй-жой, яшаш шароитини яратиш унга оғир туюлди. Шу боис унинг миллий рекорд ўрнатиш орузуи ҳам орузулигича қолади-ган бўлди.

Яқинда Африкадаги Свazеленд сенатори, шаҳзода Бхекими Дламини янги қонун ишлаб чиқишни талаб қилди. Мамлакатда номусга тажовуз қилиш, босқинчилик кучайгани сабабли, тайёрланаётган янги қонунга қўра, бундай жиноятларни содир этганларнинг жинсий аъзоси ва қўллари кесиб ташланади. Африканинг қўшлаб мамлакатларида бундай жазо азалдан қўлланиб келган, дейди шаҳзода. Шунингдек, у 21 ешга етмаган қизлар билан жинсий алоқа қилишни, уйда тайёрланган пиво-дан бошқа алкоғолли ичим-

ликларни истеъмол этишни таъқиқлашни ҳам тақлиф этди. «Бу чора-тадбирлар СПИДга чалинишнинг қулайиши олдини олади», деб ҳисоблайди у.

Яқинда Санкт-Петербург шаҳрида даҳшатли воқеа руй берди. 38 ешли аёл маст ҳолда бир йўла икки қизининг жонига қасд қилди. Олдинига у катта қизининг куксига пичоқ урди, кейин кичигини суйиб ташлади.

Шундан сунг уларнинг ҳар иккаласини туртинчи қаватнинг деразасидан пастга улоқтирди ва ортидан узини ҳам ташлади. Аёлни бу қадар шафқатсизликка — ҳам қизларини, ҳам узини ҳалок этишга мажбур этган сабаблар ҳали аниқланганича йўқ. «Бироқ, — деб езади «Труд» газетаси, — ҳозирча бу аёлнинг ипсиз юргани маълум бўлди».

Беш ешгача бўлган ироқлик боаларнинг аксарияти туйиб овқатланишдан маҳрум бўлиб

келмоқда. Бундай аҳволга саккиз йилдан бери давом этаётган ҳаққаро ҳамжамиятининг Ироққа қарши бойқоти сабаб бўлмоқда. БМТнинг Боалалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ташкилоти экспертлари ана шундай ҳулосага келишди. Яқинда бир гуруҳ мисрлик маданият арбоблари бу мамлакатда бўлиб қайтишди. Мисрлик машҳур кинорежиссер Юсуф Шоҳин магбуот анжуманида таъкидлашча, саккиз йиллик бойқот муддатига дори-дармон ва озиқ-овқат етишмаслиги оқибатида бир миллиондан ортиқ ироқлик боалалар нобуд бўлишган. Ю. Шоҳин БМТ бош қотиби Кофи Аннани муурожаат этиб, Ироққа дори-дармон юборишга кумаклаштишни сурди.

Мисрда бир миллион киши имзо чеккан муурожаатномада ҳам БМТ бош қотибидан Ироқни иқтисодий қамал қилишга чек қўйишни талаб этилган.

ЭЪТИБОР МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Матбуотнинг жамият ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги урни беқисс. Ватандошларимиз оммавий ахборот воситалари орқали фақат жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб қолмай, балки улуг қадриятларимиз, урф-одатларимиз, бой маънавий меросимиздан ҳам вақти-вақти билан баҳраманд бўлиб боришмоқда. Бу уларнинг маънавий камолоти, соғлом турмуш тарзига ижобий таъсир курсатиши шубҳасиз.

Мана шундай шарафли вазифани бажаришда республикамызда чиқиб турган ҳар бир газета ва журналнинг ўз урни бор. Жумладан, сизнинг энг сеvimли «Оила ва жамият» газетангизнинг ҳам.

Хурматли муштарийлар, сизга шунини қувонч билан хабар қилишни лозим тойдикки, яқинда Ўзбекистон телевидениесининг «Туртинчи ҳокимият» номли курсатувида «Оила ва жамият» газетаси йилнинг энг уқинчили, оммабоп наشري, деб эътироф этилди. Нашримизга хос далиллик, изланувчанлик билан бир қаторда турмуш ва урф-одатлар, балоғат ёшидагилар дуч келадиган муаммолар, дунё хабарлари, жиноят ва оқибат, усмирлар тарбияси, оила равнақи мавзуларидаги

изчил чиқишларимиз телекурсатувда иштирок этган мутахассислар ва талабалар томонидан бир неча бор таъкилланди.

Маълум бўлишича, «Оила ва жамият»ни умумий газетхонларнинг 85-90 фоизи уқиркан. Уқувчиларнинг аксариятини аёллар, кўпроқ уй бекалари, олий ўқув юртлири гуманитар факултетларининг талабалари ташкил қиларкан. Уқувчиларнинг 30-35 фоизини эркаклар ташкил қиларкан.

Албатта, курсатувда газетамизга айрим жузъий эътирозлар ҳам айтилди. Жумладан, баъзи бир ахлоқий-маиший мавзудаги чиқишларимизда аниқ адресларнинг йўқлиги, иқтисодий мавзудаги тахлили мақолаларнинг камчилиги бизни айни шу масалаларга жиддий эътибор қаратишимиз лозимлигини курсатди. Оилаларда маънавий-ахлоқий муҳит, шикоят ва турмушга доир ҳар хил можаролари масалаларнинг туб сабабларини еритиш ҳам бизнинг фаолиятимизда етакчилик қилиши лозим.

Газетамиз халқимизнинг ҳурмат-эътиборида тургани, қўлга киритган ютуқларимиз бизга куч-қувват бағишлайди ва айни пайтда масъулиятимизни янада оширади.

МУҲАРРИРИЯТ

ИШОНЧ

Газета нон эмас, у билан қорин туйдириб бўлмайди. Лекин газета маънавий озуқа беради, кунтилларни туйдиради, мунаввар этади. Шу сабабдан ҳам ҳар тонг пойтахтдаги газета дуконлари олдида турнақатор навбатда турган одамларни куриш мумкин. Ҳар чоршанба улар сафига «Оила ва жамият» газетаси муҳлислари ҳам қўшилиди. Газетамизнинг сотувдаги аҳволи тугрисида Республика «Матбуот тарқатуви» акциядорлик жамиятининг бош директори Р. С. Қосимов қуйидаги маълумотларни берди:

— Унинг саҳифаларида оилалар, ёшлар, болаларга мулжалланган турли муаммолари мақолалар еритилаётгани боис, уқувчилари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Буни қуйидаги мисоллар ҳам исботлайди. Масалан, утган 1997 йилда чакана савдога чиқарилган 567073 газетадан атиги 3263 нусхаси қайтган холос. Истисно тарихида

айтгандек, сотувга чиқарилган газеталарнинг икки фоиз сотилмай туриб қолиши бизнинг ишимизда табиий ҳол ҳисобланади. «Оила ва жамият»да эса бу курсаткич 0,5 фоизни ташкил этади... Буни рекорд десак ҳам бўлади.

Бу хусусда Юнусобод туманидаги 148-газета дуконининг сотувчиси Мирсодиқова Мавжуда шундай дейди: «Мен ҳар чоршанба «Оила ва жамият» газетасидан 80 нусхадан оламан ва уша куни деярли тушгача сотиб бўламан».

Бу гаплардан кунгимиз тогдек кутарилиб яна бир дукон сотувчиси билан суҳбатлашдик. Миробод туманидаги 19-газета дукони сотувчиси Г. Ш. Сиделникова олган 50 дона газетани икки соатдаёқ сотиб бўлишини айтди.

Минглаб муҳлисларимиз «Оила йили» атаган ушбу йилда ҳам биздан куплаб қизиқарли мақолалар қутишини ҳисобга олиб, уларнинг ишончларини оқлаш учун кўпроқ изланишимиз табиий.



САЙР...

Эхтиром

СИЗЛАРГА ЯХШИЛИК СОФИНАМАН



хур актриса)нинг ҳам диққатини торғибди. У телеэкран орқали «Қорхат»ни жуда таъсирли қилиб ўқиб берди. Узимни бахтли санадим шунда.

Ушбу газетада босилган Навруз ҳақидаги махсус саҳифам материаллари тўғрисида утган йилнинг мартида «Навруз — боқий байрам» курик-танлови гойибаларидан бири бўлдим. «Оила ва жамият» бир туркум («Мени ўрар бир дунё нур») шеърларимни ҳам чоп этди. «Дийдор қиематга қолмасин» мақолам шу газетада чиққандан сўнг муҳлислардан илиқ сузлар битилган мактублар олдим. Жуда кўп киши шу мақола юзасидан мени тахририятга йўқлаб келди. Шу тариқа газета юрагимга яқин бўла берди. Менинг ижодий фаолиятимда «Оила ва жамият»нинг урни, таъсири, ҳисаси беқисс...

Газетанинг мавзулари ранг-

баранг, қизиқарли. Муҳими, ҳаммабоп. Кексаю ёш бариси бирдай узига керакли нарсани топади ундан. Айниқса, кейинги йилларда газета бир қанча долларб муаммоларни кутариб чиқаётир, яхшиликларга йўл очмоқда. Яқинда мен бир тапни эшитиб қолдим: «Киоскачилар «Оила ва жамият» тасом бўлмасидан илгарироқ икки-учтасини яшириб қўйиб, сўнг кунглига яқин кишиларига совға қиларкан!»

Утган йилдаги энг қизиқарли газеталар ичили «Оила ва жамият» байроқдор бўлганини эшитиб обдон қувондим. Газетанинг ёш, изланувчан, талантили ва талбиркор ижодий жамоасига «Байроқни асло қўлдан берманг, мен сизларга фақат яхшиликлар соғинаман» дегим келади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

Комбинатимизда иш жу- да кўп. Бош қашишга вақт йўқ! Лекин сал нафасни ро- стлаш учун тушликка утир- ганда, ишчиларимиз ораси- да худди футбол ҳақида бул- ганидек, «Оила ва жамият» тугрисида гап кетади. Унда- ги турли-туман мавзулар чар- чокларимизни бир зумда унуттириб юборади. Шунинг учун сизларга раҳмат де- гим келади, муҳтарам редак- ция жамоаси!

Шариф ИСМАТОВ,
Бекобод цемент
комбинати бош муҳандиси

Газета бир қадар эркин.
Мавзулар жиҳатидан албат-

та. Белгиланган қолилар йўқ. Бошқа газеталарга ух- шаб «гумбур-гумбур» мақо- лалар берилмайди. Шунинг учун бу газетани севиб ўқий- ман.

Зафар МУСТАФОЕВ
Тошкент жисмоний
тарбия институти
толиби

«Оила»ни севиб ўқийман. Истагим: газетада фан-тех- ника мавзусида ҳам мақола- лар берилса. Негаки, доимо маиший мавзулар атрофида чалғиб қолиш газета имко- ниятларини чегаралаб қўя- ди, деб уйлайман.

Омон ЭРОНОВ,
Тошкент киномеханика
заводи бош ҳисобчиси

Кейинги пайтларда газета саҳифаларида турли хил жи- ноятлар билан боғлиқ мақо- лалар купайиб кетгандек на- заримда. Ибратли оилалар, эзгу ишлар, савобгалаб ки- шилар ҳақида ҳам кўпроқ ёзиш керак.

Қаҳрамон ҲОЖИЕВ,
Сирдарё тумани

«Дийдор» рўқни мунтазим бериб борилишини, унда та- ниқли санъаткорлар, шoir ва ёзувчилар, спортчилар билан учрашишни истардим.

Жамиид ДАВЛАТОВ,
Тошкент, Қора-қамиш 1/3

БИЗ СҮЙГАН ГАЗЕТА

Изҳор

Маҳалламиз чойхонасида- ги бир гурунгда ушбу кунда нашр этилаётган рунома- ларнинг савияси ҳақида гап кет- ганда, кўпчилик «Оила ва жа- мият»га яхши баҳо берди. Ҳар бир газетанинг ўз муҳлислари бўлганидек, биз «Янги Миробод» маҳалласидегилар маз- кур газетани чика бошлага- нидан бери мутолаа қилиб ке- ламиз. Газета кўзимиз олдида улғайиб бораётган гудакка ух- шайди. Мустақиллик куни ду- нега келган бу газета айни кунларда энг оммабоп, уқиш- ли бўлиб келаётганидан мам- нунимиз.

Мехримизни қозонган рузно- мамиз ҳақида мунозара юритиш- тимизда, шу кетишда барча на- шрларни ортга қолдириб кети- шига ишонардик. Буни қаранг- ки, яқинда «ойна жаҳон» ор- қали намойиш этилган «Тур- тинчи ҳокимият» курсатуви- нинг ижодкорлари билан фикри- миз бир жойдан чиқди. Шарҳ- ловчи журналист Аҳроржон Аҳ- медов «Оила ва жамият»ни «Йилнинг энг уқинчили газе- таси» дея эълон қилганида кун- лимиз бениҳоя қувончга тўлди.

Унинг саҳифаларидаги бар- ча мақолалар — оила, дин, ах- лок, тарбия ва бошқа мавзулар-

да эканидан қатъий назар тур- мушда қўл келади, одамларга ироқ бўлади. Маҳалламизда уруш-жанжал қилиб, ажралиш- гача бориб етай, деб турган бир- иккита оила бор эди. Бир куни «Оила ва жамият»дан айнан шу- ларнинг ҳаётига ухшаган воқеа баён этилган мақолани уларга ўқиб бердим. Ота-оналарнинг сузларига қирмаётган ёшлар ма- қоладаги воқеани эшитиб, анча ўйлиниб қолиб номдан чи- қиб кетишганди. Орадан сал ўт- май, уларнинг ярашганининг гувоҳи бўлдим. Мана газетани-

нг кучи. Кейинчалик «Оила ва жамият» газетаси уларни- нг сирдошига, маслакдошига айланди.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши газета ижодкорларига янада кўпроқ масъулият юклагани шубҳа- сиз. Бизнинг эса бу йилги улоқни ҳам қўлдан бермас- ликларингизга шубҳамиз йўқ.

Ҳасанбой ота АШУРОВ,
Тошкент шаҳри, «Янги
Миробод» маҳалласининг
оқсоқоли

«Болалар ва ота-оналар орасидаги зиддиятларда ким кўпроқ айбдор бўлади, деган саволга, ота-оналар деб жавоб бераман», — дейди америкалик машҳур педагог ёзувчи Анн Ландерс. Куйидаги мақолада ота-оналар зиммасидаги вазифа ва масъулиятлар ҳақида фикр юритилади.

Менга хат орқали мурожаат қилган ота-оналар фарзандлари моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланганликлари ва бу билан зиммаларидаги ота-оналик бурчларини юз фоиз утланган деб ҳисоблашларини баён эдилар.

Холбуки мен, болаларни олди-берди қилинадиган матоҳдай курсатадиган бу оdatлардан жуда ҳам норозим. Бундан ташқари, боланинг бутун эҳтиёжларини тўла қондирганман, деб юрган кўпчиликти ота-оналар, кейин юзага келган муаммолар қаршисида нима қилишни билмай шовиб қоладилар.

Бундай ота-оналарга мана шундай савол беришни лозим кураман: «Ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги бурчи нималардан иборат?»

Ушбу саволга узим жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ва ишчи ота-оналарнинг нималарга мажбур эмасликларини санадан бошлайман. Биринчидан, боланинг ҳаёт энергиясини бериш сизнинг ишингиз эмас. Ва унинг умри роҳат-фароғатда кечилиши таъминлашга сиз мажбур эмассиз. Ризқ — Оллоҳдан. Сузиш ва музыка буйича репититор ёллашга еҳуд ёзда лагерга жўнатишга сизни мажбур қиладиган ҳеч бир сабаб йўқ. Воёга етгач, мотоцикл ё автомобил билан, диплом олгач эса чет эл саҳафатлари билан мукофотлаш каби вазифангиз ҳам йўқ.

Янада очикроқ ва жиддийроқ сузлайдиган бўлсам, боланинг олиий маълумот беришга мажбур эмассиз. Курбингиз эҳта укатасиз. Етмаса ҳафа бўлманг. Олий маълумот олишга қобилияти ва истаги бўлса узи албатта бир йўлни топади. Келажакни таъминлаш каби фикр ҳаётингизга ҳам келмасин. Унинг номига алоҳида ишончли сармойлар қўйиш ва ёки қийналган пайтларида моддий ёрдам бериш орқали ҳаётга ҳозирликни ургатишга маъсум эмассиз. Чунки келажак олдиндан белгилаб қўйилган, моддий эҳтиёжлари доимо бошқалар тарафидан таъминланиб келинган бола танбал бўлиб етишишга маҳкуmdir. Шунинг учун уларга бундай ёмонлик қилишдан сақланинг.

Сиз: «Бизнинг фарзандларимиз учун қилишимиз мажбурий бўлган ҳеч бир вазифамиз йўқми?» — дейшингиз мумкин. Нега йўқ булсин? Бор. Бор бўл-

гандан ҳам шундай купки... Ота-она фарзандини энг аввало шахсият эгаси сифатида тарбиялашга мажбурдир. Чунки руҳ тозалити, ақл, фаҳм уткирлигининг негизи болага бериладиган эҳтимод (ишонч) ҳисси ва унинг шахсияти билан боғлиқдир. Доим танқид қилинган, қилган иши ҳеч ёқтирилмаган ва мактос эшитмаган бола узини ёлғиз, керакисиздай ҳис қиладди. Қариндошлари, жиянлари ва ёки уртоқлари билан қилган зарарли муқоясаларингиз, яъни «Опанг сендан яхшироқ би-

гидан, айтганини қилмаслигидан куйинарди. Мен унга угли билан яхши муносабатда булишни, қилган ишларини мақтаб, ширин сузлар айтиш кераклигини ва иложи борича мулойим муомалада булишни маслаҳат бердим. Илк тажрибадан сунг ёнимга келган она: «Узимдан уялайман. Авваллари у билан сўхбатда нуқул у қилиши ва қилмаслиги керак бўлган ишларни айтишдан нарига утмаган эканман. Унинг кунглини, табиати-ни энди билдим. Эй Худоийм, мен қандай онаман!», — деб куз еш тукди.

Баъзи ота-оналар раббатлантиришни эп курмайдилар. (Оданинг феъли ҳар хилда). Бунинг бошқа йули ҳам бор: бола қилган ишларни куриб қулисираш, бошчини силаш ҳам айни натижани



АНН ЛАНДЕРС:

БОЛАЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗ НИМАДА?

ди», «Уртоғингдай бўлолмадинг», «Фалончи сендан ақлдироқ» каби қиёслашлар бола руҳинини синдиради. Бола хатоларини тузата олмайди, ёмонликдан яхшиликка ётақловчи жасоратни йўқотади.

Узига нисбатан доимо «ёмон», «қулидан ҳеч нарса келмайди», «аҳмоқ» каби сузларни эшитган бола шундай қолишга маҳкуmdir. Шу сабабли фарзандларингиз қандай булишни хоҳласангиз, унга ушундай сузлар билан мурожаат қилинг. Бола табиийки, хато қиладди ва улар кўпчиликларсиз тузатилиши лозим. Чунки болалар ҳаётни алдишиш ва тузатиш методи билан урганадилар. Бир гал 11 ешга кирган, ақли, зуқко, аммо балхулқ углидан норози она билан учрашиб қолдим. У боласининг «қулоқсиз»ли-

беради. Болалар учун ташқи таъсир туйғуси нӣҳоятда аҳамиятлидир.

Бошқа яна бир вазифангиз, болаларингизни доимий интизомга ургатишингиз ва улар хатти-ҳаракатини бир баҳия бўлиш назоратсиз қолдирмаслигингизда қуринади. Болада, ҳеч кимнинг назоратида бўлмаслик, узига узининггина масъуллиги шундай тушунча лайдо қиладик, бу унинг тормозсиз автомобилга утиришидай таҳликалидир. Баъзи ота-оналар боласининг ҳар бир истагига «Хўп» деб жавоб беришади. Боланинг зарарли хоҳишларига «Йўқ» дея жавоб бера оладиган ота-оналар эса бир вақтингиз узида болаларига икки нарсани англаган буладилар. Яъни: «Сени яхши кураман; зарарли бўлгани учун ҳам руҳ-

Шарқу гарб одоби

сат бермаёман». Мен айниқса ҳозирги ёшлар ижтимоий ҳаётда диний-ахлоқий қадриятларга ҳар қачонгидан кура кўпроқ эҳтиёж сезаётганликларига ишонаман.

Вақти келганида болаларингиз сиздан сурашга уяладиган, лекин кучада ёлгон-яшиқ тафсилотлар билан урганганидан жинсий мавзуларда ва баландларида юз берадиган турли узғаришлар ҳақидаги керакли тушунчаларни муайян бир улчовда тушунтириш ҳам сизнинг вазифангиздир. Албатта, бу уринда уларнинг ҳаётга аралаштишдан, шахсий нарсаларни титқилишдан узингизни тийишингиз керак.

Болаларга ҳаётларининг асоси бўладиган ҳаётий тамойиллар ва соғлом турмуш тарзини танлашда кумаклашиш ҳам сизнинг энг аҳамиятли вази-фаларингиздан биридир. Болаларга бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашни, сўхбатдошларининг раъйига қарашни (гапни бўлмаслик, бақирмаслик ва ҳ.к.), узидан каттани ҳурмат қилишни, қонуларга буйсунмокни ургатиш ҳам сизнинг масъу-лиятингиздир.

Бу ерда айниқса шу хусусият муҳим аҳамият касб эгади: қадриятлар нафақат ургатилади, улар япалади, амалда курсатилади. Ким нима деса десин, айтган сузида тура оладиган ота-она фарзандига бир сузликни осон синдирадидилар.

Ёки аксинча, иш жойидан уйга материал ва ёки ёзув-чизув асбоблари келтирган ота уз фарзандига уғриликнинг унчалик ёмон иллат эмаслигини уқтиргандай булади. Узига ёлгон гапирилган бола келажакда албатта ёлгончи булади. Уриб-суқилган, купол муомала курган ва хурланган болалар умр буйи купол ва балхулқ бўлиб яшашга маҳкуmdirлар.

Ҳеч қайси бола оиламизга уз хоҳиши билан қўшилиб қолмаган. Фарзанд — бизга берилган неъмат. Шунинг учун унга жиддий масъуллигимиз бордир. Ва агар болаларимизга улар лойиқ булган тарбияни бера оласак, уларнинг ҳам уз фарзандларига берадиган қимматли мерослари булади.

Туркчадан Муҳаббат Йўлдошева таржимаси

ПОЕЗДИНИНГ

Отлиқнинг, велосипед, автомашинада кетаётганинг, борингки, педиангинг йўлини тустанлар ҳақида эшитгансиз, кургансиз, балки бундай савдон бошингиздан ўтказгансиз ҳам. Аммо темир йўлда ўқдек учиб кетаётган поездинг йўлини тусадиган мардлар ҳам бор экан.

Дейлик, поездда мазза қилиб кетаёйсиз. Иссиқ чойдан ҳўплаб-ҳўплаб, шерикларнинг гурунглирига ут қалаб бораёйсиз. Шунда баногоҳ... куле ойнасига бир оғир нарса келиб урилади. Ойна чилчил синди. Ким бошини ушлаб қолади, ким эса ойна синиклари кузларига қадаблиб, жон ҳолатда бақирнишга тушади. Дабдурстандан нима гап булганлигини англай олмай турасиз. Кейин биласизки, йўл буйидаги болалардан бирови тошбурон қилибди. Поездини, поезддаги одамларни тошга тўтган кимнинг боласи, қайси мактабнинг укучисиз эди? Токи бу нарса аниқлангунча анча вақт утди, қанча оворотарчиликлар булади. Балки уша «шуҳ» болакайнинг ким эканлигини билмаслар ҳам.

«Эрқатой», «пуҳ» болалар поездини тошбурон қилиш билангина чекланиб қолмайдилар, бал-

ки телловознинг йўлига ҳар хил темир-терсак, унча-мунчага қайиш-майлиган темир қозикларни ҳам қоқиб ташлашади... Буниси энди... гапнинг очиги, жулаям хатарли «шуҳлик».

Келтираётган ташвишли гапларимизни далил ва рақамлар кумагида еритайлик. Термиз темир йўл станицасидан олган маълумотларимизга қараганда, утган 1997 йилнинг биргина тўртинчи чорагида йўлда кетаётган поездлар туққиз мартаба бехосдан тўхтатилиди. Бехосдан тўхтаганда, аниқроғи тўхтатилганда нима булади? Термиз लोकотив депоси бошлиғи Усмон Назаров шундай дейди:

— Поезд, яъни телловоз бехосдан тўхтаганда тормоз колодкалари юз фоиз ишдан чиқади. Гилдирақлар ҳам зарар куради. Мен Сизга бир мисол келтирай: укучилар таълига чиққан 26 декабрдан 5 январьга булган вақт оралигида саккизта шундай қалтис ҳолиса руй берди. Ҳаммаси ана шу биз арз қилиб турган укучилар тудфайли будди. Бешта телловознинг мотори ишдан чикди. Уларни таъмирлашга кетган маблағ, ҳаражат ва асаббузарликни гапириб утирмай.

...Темир йўлларга ҳар хил темир-терсак, темир қозик қоқаётганлар ҳам, шу йўллар буйида мол боқиб юриб, шунчакси эрмак учун одамлар кетаётган поезд вагонла-

ри ойнасини тош отиб синдираётган ва йўловчиларни ҳароҳатлаётганлар ҳам мана шу «пуҳ» болалар. Термиз темир йўл ички ишлар бўлими воёга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлимаси бошлиғи, милиция майори Олимжон Чориевдан бу ҳақда сурасангиз дунёнинг кўп гапидан хабардор буласиз.

ЙЎЛИНИ

— 1997 йилнинг кейинги олти ойи ичига туман ва шаҳар ҳокимликлари қошдиғи воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига 47 та хат юбордик, — дейди у, — ана шу ҳужжатларнинг атғи 45 фоизига жавоб олдик. Инсон тақдирига шу қадар лойақат муносабатда булишадими? Агар аҳвол шундай давом этаверадиган бўлса, қаттиқроқ чора-тадбирлар белгилашимизга тўри келади. Айттиш керакки, поезди йўлларига ҳар хил темир-терсакларни куйган укучилардан анчасини ушладик. Мана, мисоллар: утган йилнинг 14 август кунни Денов тумани ҳудудида Баҳридин Амиров, Шерзод Хусанов, Абдулло Хусановлар ана шундай номақул ил билан шуғулланишган. Уларнинг уччаси ҳам 24-урта мактабнинг 3 ва 5-синф укү-

чилирилр. 28 август кунни Жарқургон тумани ҳудудида Анвар Шоназаров (У. А. Исрофов номли мактабнинг 4-синф укүчиси), 3 октябр кунни Термиз туманидаги «Дустлик» жамоа ҳужалиғи ҳудудида Жамолидин Исломов, Собир Эргашев, Қаҳрамон Бегимов (улар А. Қосимов номли ва 5, 6-синф укүччилари)лар темир йўлга темир-терсак қуйишнинг машқини олиб юрганиклири аниқланди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришим мумкин.

Қарангки, ана шундай «эрқатой» усмирлардан икки нафари яни йил бусағасида, аниқроғи, 31 декабр кунни қалтис ҳазил қилишди. Аллоҳ узи бир асради. Воқеа бундай булган эди: Термиз туманидаги «Янгирарк» жамоа ҳужалиғида истикомат қилувчи Абдумалик Хидиров (Ҳамза номли 16-урта мактабнинг 10-синф укүчиси) ва Термиз бизнес мактабнинг 3-курс толиби Уктам Жовиев темир йўл излари уланган жойларига олғита темир қозик қоқиб чикишади, суғтра бир четта утиб, «қизик томон» бўлишини илҳақдик билан кутиб утиришади. Шу пайт «Ғаларба» бекати тарафдан юк поезди келаверди. Телловоз машинисти Азиз Носиров йўлда темир қозиклар қоқилганини қайдан ҳам биларди. Узун юк поезди учта темир

Ё, тавба!

қозикни босиб угли. Ҳайловчи усталик билан поездини тўхтади. Суғтра телловоздан туши-да, йўл четида томонша қилиб утирган Абдумалик ва Уктамдан бу ишни ким қилганини суради. Улар билмаймиш, хабаримиз йўқ, деганлик едка кисишди. Кейин маълум булдики, бу томоншани икки усмирнинг иши экан. Ана шу қалтис ҳазил телловознинг тўхтаиш колодкаларини ишдан чикарди. Таъмир учун қарийб ун етти минг

ТЎСТАНАЛАР

сум ҳаражат қилинади. Гап пудда эмас. Агар шу маҳал йўловчилар поезди келиб қолганида нима буларди. Буни ҳаттоки ҳалға келтириш ҳам ваҳмиади.

Агар шу «ҳазил» қадам аччиқ бир сабоқ бўлиб, улар бундай «ҳазил»нинг тағида улкан фожиалар, бахтегизликлар етшинин англаб етишган бўлса, шу ҳам бир ҳикоят. Йўқса...

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

БУ ШУНДАЙ ГИРДОБКИ...

Муносабат

Газетанинг шу йил 2-сонида бо-силган «Қабоҳат исканжаси» мақо-ласини ўқиб жуда таъсирландим. Ҳа, мақола муаллифи куйиниб еза-нича бор. Бу — қабоҳат. Уни бошқа-ча таърифлаб бўлмайди.

Авалло шунчи айтиш керакки, ҳам-ма нарса тарбияга боғлиқ. Биз кат-талар куйинча ешларнинг тарбия-сидаги айрим камчилик ва нуқсон-лардан ранжигандек буламиз. Қо-лаверса, бундай ҳолат учун фақат уларни айбдор санашга одатланиб қолганмиз. Аслида ундай эмас. Еш-лар тарбиясининг бузиллишида кат-таларнинг «хизмати» купроқ. Қон-қонимизга сингиб кетган ута бефа-рқлик ва лоқайдлик тўғрисида зимма-миздаги масъулиятни чуқур ҳис эт-маймиз. Ваҳоланки, болаларнинг туғри усиб гул бўлишига, эгри ва саркаш бўлиб қудга айланишига энг аввало ота-она, қолаверса, катта-лар бевосита ва билвосита дахлдор-дир.

Энди асосий мавзуга қайтайдиган бўлсак, «видео» бугунга келиб ҳақи-қатдан ҳам болаларимиз тарбияси-га салбий таъсир этмоқда. «Видео»

шундай гирдобки, у болалар туғул катталарни ҳам узоқ домига тортиб кети-ши ҳеч гапмас.


Бундан уч-тўрт йил олдин шундай нохуш воқеа содир бўлганди. «Ви-део»дан руҳан таъсирланган ота ўз пуштиқамаридан булан, эндигина буйи стилиб келаётган қизининг но-мусига тегиб қўяди. Инсон қиёфаси-даги бу маҳдуд ақдан ва жисмонан соппа-соғ була туриб қандай қилиб бундай қабихлик ва жаҳолатга борга-нига сира ақл бовар қилмайди. Эҳти-мол купчилик уни иродасизликда айб-лаши мумкин. Лекин бу ерда «видео» деган балонинг таъсири ҳам йўқ эмас. Энг ачинарлиси, тунгизона иш қил-ган ота қамоқ жазосини утаб келиб, яна қишлоғида ҳеч нарса бўлмаган-дек юрибди. На маҳалла-қуй, на қар-индош-уруғдан ор қилади. Қизлик ифпати ўз отаси томонидан топтал-ган фарзандининг тақдирини изохлаш-га ҳоҳат бўлмаса керак.

«Видео» касаллигига чалинган яна бир эркак бойвачча дустининг ҳа-воий гапларига учиб, не-не машаққа-ту азоб ўқубатлар билан тиклаган

уйини уйнашларининг сеvimли мас-канига айлангайриб қўйди. Оқибатда оғир касалга чалинди, учта кузмуш-чоклек қизи, кўчкорлек угилларию меҳрибон хогинидан ажради. Унинг турмуш уртоғи «энди бу уй биз учун ҳаром», дея бир этак болани бағрига бостанича чун ҳам олмасдан, уйни тапплаб чиқиб кетди. Шу тариқа яна бир оила барбод бўлди. Бундай ми-соқларни куллаб келтириш мумкин.

Айталик, қора дори истеъмол қил-ган кишини даволаш мумкин. Чунки дард унинг танасида бўлади. Аммо «видео»га муккасидан тушган қимса-ларнинг шифо топиши амри маҳол. Сабаби, уларнинг онги захарланган. Шу боис тибхавандликдан кура «ви-део»дарастиликнинг оқибати хунук. Жамият учун ҳам, халқ учун ҳам катта маънавий ва моддий зарар кел-тириши тайин. Ачинарлиси шуки, «видео» таъсиридан тубанликка юз тутган қатор-қатор оилаларни дори-дармон билан даволаб бўлмайди.

Асқар МАМАТОВ,
Чортоқ тумани



Абду Фаи ЖУМА олган сурат

Юнонистонда бўлса керак, зўр бир саркарда утган экан. Ҳам султон, ҳам саркарда. Бал-ки фиръавдир... Фарқи йўқ; ҳоким-да! Ана шу Ҳокимнинг мулкда қўллар қўзғолон ку-тариб қолишибди. Худди Спар-такнинг гладиаторларидай қўлларига ханжар, пичок, пан-шаха, калтак, қуллас, илин-ган нарсага олиб, Ҳокимни-н қўғонига югуришибди. Курғонни ураб олишибди. Ҳо-ким машаат қилиб утирган экан. Бу гапга ишонмабди: «Қўллар ҳам эгаларига қарши исен қиладимми?!» Ҳокимнинг ақлига сиғмапти. «Боринлар, қайтариб юборинлар. Уларга азоб берган, ноҳақлик қилган-ларни жазолаймиз! Ваъда бе-ринлар!» депти мулозимлари-га.

Мулозимлар чиқиб, қўллар-га шу гапни айтишса, улар баттар қўғириб кетиб: «Ҳоким-ни ўлдирамиз. Ҳаммангни йў-қотамиз!» деб лўқ-пўниса қи-лишибди. Мулозимлар қараса, уларнинг авзойи бузук; кул нимани йўқотади? Кишанини деганларидек, жуда ҳалигидай пишқириб туришганмин.

Мулозимбоши: «Ҳа сен-ларними! Курасан ҳозир!» деб қушинни қуроллангайриб чи-қарибди. Ана энди денг, у та-рафда — узича қуролланган қўллар, бу тарафда — тиш-тирноғигача қуролланган ас-карлар, яъни, навкарлар. Ана уруш бошланди, мана уруш бошланди, деб туришганда, Ҳоким аҳволдан хабар олиб, қўшқига чиқиб қарабди. Аҳ-вол ушандай.. Секин пастга тушибди-да, устундан катта камчини олиб, дарвозага йу-налибди. Кейин узининг аска-рларига бақирибди: «Тарқа-линглар!» Ундан кейин аска-рбошиларига айтибди: «Битта-дан камчи олиб чиқинлар!»

Шундай қилиб денг, Ҳоки-му лашкарбошилар қўллари-да камчи билан қўлларнинг қаршисига чиқишган экан, қўллар... ташпа-ташпа ерга уз-ларини ташлаб, худди саждага бош қўйгандай бўлиб қоли-

шибди. Кейин Ҳоким дағдага қи-либди: «Тарқалинлар! Сизлар-га азоб берганларни узим жазо-лайман!»

Қўллар елкаларини қисиб, тарқалиб кетишибди.

Ана шундан кейин қўғонда аскарбошилару мулозимлар Ҳо-кимдан сурашибди: «Бу нима сир бўлди?»

Ҳоким айтибди: «Улар — қўл-лардир! Қўлга одам деб қараса-ларинг, улар узларини ҳақиқа-тан ҳам одам билиб, боқини кутаради. «Демак, биз — озод одамларга тенг эканмиз-да», деб ўйлашади. Қўлга қўл деб қарас-ларинг, узларининг қимлиги едларига тушиб, ана шундай бош эгиб қолишади...»

ҚАМЧИННИНГ СИРИ

Дунеда «қўллик психология-си» деган гап бор. Ана шу гапни-ннг маъноси мана шундан ибо-рат, деб ўйлайман. Одамзот ожиз булар экан-да...

Энди, «Бу ҳикояни нима учун айтдинг?» деб сурасангиз, мен сизга ўз бошимдан келган, ун-ийл қамочка утириб келишимга сабаб булган воқеани айтиб бе-раман.

Пахта бригадири эдим. Кеч куз. Далада бир чаноқдан пахта қолган бўлса қолгандир. Шулар ҳам нам, чаноқнинг ичидан су-гуриб олгунингча бармоқлари-нг шилиниб кетади. Бригадамда қирқгача мактаб ўқувчиси бор эди. Эски бир баракда туришар-ди бечоралар. Ер зах, тепадан чакка утади.

Лекин юқоридан буйруқ кел-ган: «Еттинчи ноябр байрамига-ча фалон тонна пахта топши-ришларинг шарт!» Бу гап — қонун. Унга қарши борган ки-ши — халқ дупимани ҳисоб... Ҳа-ха, бу буйруққа итоат этмасдан, райком биносига бориб кури-нчи? Уша кунни ҳисба олинмасиз.

Бу — маълум эди.

3

Хуллас, нима қилиб бўлса ҳам, пахта терилиши шарт.

Менинг бригадамга келсак, аҳволни ҳали айтиб утдим: пахта қолмаган ҳисоб. Куракча те-риб олиниб, уйларга чувашя-ти...

Ноябр байрамига бир-икки кун қолган эди.

Болалар далада, дийдирашиб юришибди. Мен дала хирмони-да тарозининг бошида утириб-ман.

Учта йигитча келиб қолиш-ди. Уларнинг бир-бир фартуқ-дан пахтасини тарозида тортиб олдим. Ун килодан чиқди. Кей-ин десангиз, учтовиям йиғлаб

пахтанинги туқ!»

Кейин пахтани туқиштанган-да, секин ташқарига чиқиб ол-санг-да, ғойиб бўлсанг.

Ҳам қизиқ, ҳам маза... Ҳам норманг бажарилган, ҳам кун-линг тинч.

Ҳе, кунгил... Тинчлик борми. Айниқса, менинг юрагим така-пука эди...

Гапнинг қисқаси, пунктга жунатилиданги пахтани анани азаматлар билан тележкага ор-дим. Кеч туша бошлаган эди. Кейин азаматлар тележкага чи-қиб, пахтанинги ичига шўнғиб кетишди. Биз бўлсак тракторни тариллатиб, пунктга жунадик... Кечки пайтда пунктнинг олди тележкага тулиб кетарди. Билар-

Кечаги кунимиз

билади, дарҳол улдириб қўймасди-ю, ургангадан эдик-ла рост гапиришга... Бунинг устига шикоят қилишга... Бу орада денг, Жонузоқнинг ота-онаси, акалари мени суд зали-да уриб улдиришларига оз қол-ди. Утирган ҳамма одам мени лаънатлади.

Ҳа, тугри, айб менда, де-дим.

Шуниси қизиқки, қамочдан чиқиб келганимдан кейин бошқа икки азаматни қўрдим. Негадир, менга ташланиб қо-лишади, деб ўйлагандим, йўқ; гапниг курибди иккиси ҳам... Кейин денг, улар ҳам нима учун уша пайтда рост гапи-рмаганларидан ҳайрон эканла-рини айтишди.

Энди, ўйлаб кўрсам, биро-лари азиз, бу ишга ҳаммамиз айбдор эканмиз. Тугрироғи, шундай қилишга бизни олиб борган уша сиеваст буйруқла-ри айбдор экан.

Биз ушанда чиндан ҳам қўллар эканмиз.

Юнонистонда кечганми-кечмаганми, лекин уша рост ҳикояни айтишим сабабини энди тушунгандирсиз?

Энди сиз ҳам ўйлаб кури-нг... Ҳа-ҳа, тоталитар тузумни-ннг тазийқида яшпаган кунлари-мизни эслаб кури-нг. Мушта-лака ҳолдаги халқнинг психо-логияси ҳақида ўйлаб болинг. Дарвоқе, «қўлчилик психо-логияси» ҳақида фикр қилиб олай-лик.

Ана шунда озодлигимизни-ннг қалтрига купроқ етамиз дей-ман. Мустақил юртимиз бил-дан фахрланамиз дейман... Шунча азоблар сунгиди эриш-ган ютугимизни ўйлаб, Эгам-га шукроналар қиламиз дей-ман.

Бригадирнинг иқрорини оққа кўчирувчи Сирдарё туманлараро прокуратураси терговчиси Абдувоҳид ҚАЙМОВ

журбди: «Бошқа пахта йўқ. Нор-мамиз — 30 кило. Бажармасак, муаллим етоққа қўймайди биз-ни.» «Сизлар ҳам кам терганла-ринг учун бошқаларам оз те-ришган», дейди...»

Биламан: буларнинг бошли-ғи — муаллимми ҳам ночор. Чун-ки ҳар кунги шу ҳақда гаплаша-миз. Муаллим бечора ўқувчилар-га ачинади. Лекин иложи қан-ча?

Уйлаб-уйлаб, бир хийла топ-дим: «Бир иш қиламиз, ҳам сиз-ларга фойда бўлади — ҳар бири-нги 15 килодан пахта езаман. Ҳам бизга — бригадалага фойда бўлади: нормани бажарамиз», дедим. Кейин хийламни шарҳ-лаб бердим.

Болалар ёш эмасми, дарров рози бўлишди. Ҳагто қувониб кетишди.

Ахир, тележкадаги пахтанинги ичига кириб етсанг. Сени ҳеч ким курмаса. Трактор тележка-ни судраб, пунктга борса. Ката-йса қилаяпсан...

Кейин трактор тарозига чиқ-ди. Тарозибон уни тортиб, хир-мон томонга ишора қилса: «Бор,

сиз? Ҳа... Бирон соат навбат ку-тишга туғри келди. Кейин мо-торни гуриллатиб ҳайлаб, таро-зида чиқардим тележкани. Таро-зибон тортиб қурди. Фалон ки-ло! Ура! Норма бажарилди!


Тракторни ҳайдаб, хирмон-жойга бордим. Шу орада икки-таси сакраб-сакраб пастга туш-ди.

— Жонузоқ! Туш!

Тележкада қолган боланин-гомни Жонузоқ, буларнинг энг еши ҳам, энг нимжони ҳам уша эди.

У тушмайди денг. Пахтанинги ичидан ҳам чиқмайди... Сал ха-вотирланиб, тележкага кутарил-дим. Пахтани титиб қарасам, Жонузоқ ухлаб етибди. Кулиб, роса турткиладим. Уйғонмайди. Қўнглимга вақима тушди. Оқ-қулини ушлаб курсам, аллақач-он музлаб қолган. Қимирла-дим, қимирламади: қотиб ҳам бўпти.

... Шундай қилиб, биз 10 йил-га кесилдик. Судаям бу ишни қилишга мажбур бўлганимни айтолмадим. Ҳа. Айтсам, ким



«МЕН ШУНГА МУНОСИБМАН»

Утказилган халқаро тадқиқотларнинг курсатишича, телевизор орқали намойиш этилаётган рекламаларнинг 70 фоиздан зиёроғида аёллар иштирок этаркан. Ваҳоланки, 39-40 фоиз ҳолатдагина реклама қилинаётган нарсаси бевоқиф аёлларга тегишли бўлади. Соқол оладиغان устара, эркаклар атири кабилар рекламасида ҳам аёллар ҳозир мунозир.

ҚИРҒИЙЛАР ЧҶИМАСИН

Япониянинг Нагано шаҳрида қилки Олимпиада уйинлари давом этаётган кунларда ташкилотчилар узлари учун кутилмаган вазиятларга дуч келишмоқда. 820 оилага уйинлар кунлари чет эл делегацияларидан бир гуруҳига меъзолик қилиш таклиф этилган эди, бор-йўғи 91 оила бунга рози бўлди, холос. «Яшиллар», яъни табиат муҳофазачилари эса биатлон мусобақасининг камеб бўлиб бораётган қирғийлар макон курган жой яқинида ўтказилишига қарши чиқиб ташкилотларни шопириб қуйишди. Яхши хабарлар ҳам бор. Жумладан, маҳаллий мафия олимпиада кунлари «тинч юришга» ваъда берди.

«ГУЛХАН ЁНДИ КҶККА ҶРЛАБ...»

Ут учирувчиларнинг асосий вазифаси фақат ёнгини бартараф этишдангина иборат эмас экан. Ҳар ҳолда Германиянинг Флоттбек шаҳрида ут учирувчи бўлиб ишловчи икки йилгит шундай уйлашарди... то полиция ушлағунига қадар. Маълум бўлишича, улар кичик дуконлар, омборлар ва саройларда саккиз марта ёнгин чиқариб, сунг уни «қаҳрамонларча» учириб, одамларнинг олқинини олишган. Тўққизинчи уринишда эса уларни полиция ушлаб олди.

НАРХИ ҶАМ ЮҚОРИ

Парижда утган «Юқори мода, 1998 йилнинг баҳор-ёзи» курғазмаси чинданда юқори савияда утди. Бу ерда гап нафақат ташкилий жиҳатлар, балки нархлар ҳақида ҳам кетаяпти. Масалан, Торренте модалар уйи кийимларга мос безак тарзида курсатган 600 дона маржондан иборат битта тақинчоқ 1,5 миллион доллар турса, Галиано намойиш этган аёл куйлагини тикишга нақ 800 соат вақт сарфланганига нима дейсиз?

ШАХМАТ ШАҶРИ

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ва Қалмиқистон Президенти Қирсан Илёмжиновнинг тапаббуси билан бу республика худудида Сити-Чесс (Шахмат шахри) қуриляпти. У мустақил шахар бўлиб, ўз «поки» — Президентига ва «фарзини» — бош вазири бўлади. Шаҳардаги ҳовлилар жаҳон чемпионолари ва машҳур шахматчиларига берилади. АҚШлик шахматчи, собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишерга Сити-Чесс фуқароси паспорти ва замонавий уйнинг қалиги биринчилардан бўлиб топирилади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Хурматли Нуринишона АСРОР қиз!
Сизни ҳаётингиздаги қувончли кун — таваллуд айемингиз билан самимий муборакбод этаман. Сизга тинч соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат тилайман.

Олимжон



Хурматли дўстимиз ОЛИМЖОН!
17 феврал — таваллуд тошган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, оилангизга бахт-саодат тилаймиз, деб

дўстларингиз номидан КОМИЛ



Азиз ойишқимиз Дилбар САЛОҶОВА!
Сизни таваллуд айемингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга соябон бўлиб узоқ йиллар роҳатимизни куриш. Даврларимиз тури сиз биланг файзли, шу файз хонадонимизни тарқ этмасин.

Фарзандларингиз


Хурматли ойишқимиз Нуринишона!
Сизни 14 феврал — 41 ешга тулган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Мовий куклек мусаффо ҳаёт, соғлиқ, ишларингизга ривож, рузгорингизга барақа тилаймиз. Аллоҳ умрингизни узоқ қилсин, фарзандларингизнинг роҳатини куриб юринг.

Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз Шухрат, Бахтиёр ва Баҳром



Нуринишонамиз САРОДОРБЕК!
12 феврал — таваллуд айемингиз кутлуғ бўлсин. Бахтимизга ҳар доим соғ бул. Қувончли дилларингизни баҳам куриш ҳар биримизга насиб этсин, илоҳ.

Даданг Саидмурод, аянг Гулчехра, амакинг Бахтиёр



Хурматли фарзандларимиз САРОРИЯДИЯНА ва ШАРАДИЯНА!

Сизларни таваллуд тошган кунларингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизларга соғлиқ-саломатлик, оилангизга тинчлик-тоғувлик тилаймиз. Барча эғзу тилаклар

сизларга ёр бўлишини Аллоҳдан сураб қоламиз.

Отангиз Зиёвутдин, онангиз Дилором Салоҳитдиновлар



Азиз ва мартабали дўстимиз, Тошқини шахаб ИИББ ДАРАБ ишонғи Бағдодир МАРРОДУЛЛАЕВ!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Эл-юрт осойишталиги йулидаги сермашаққат ва эғзу ишингизга ривож, узингизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилаймиз!

Турмуш ўртоғингиз Нигора, фарзандларингиз Малика, Бобур, Шаҳноза



Хурматли МАЪЖИНАВА қизин оин!
Сизни 11 феврал — туғилган кунингизнинг 47 йиллиги билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, оилангизга бахт тилаймиз. Фарзандларингиз ва севимли неварангиз Абдуҷабборжоннинг бахтига доим омон бўлишингизни яратган Аллоҳдан сураб қоламиз.

Оиламиз аъзолари



Ҳаммамиз уғри қадрият билан нуринишонамиз МАЪЖИНАВА!

19 феврал — туғилган кунингиз, икки баҳорингиз муборак бўлсин. Нурли осмонингизда доимо юлдузлар фароҳбахш кунлар порлаб, сизга бахт келтирсин.

Отанг, онанг, аканг Бобуржон, оналаринг Маҳбуба, Мавжуда, Садоқат

Қадрият дўстим БАҶРОМЖОН!
Сизни туғилган кунингиз, яъни 20 баҳорни қаршилаётганингиз билан чин юракдан қутлайман. Келажақдаги уқиниш ва ишларингизга муваффақият тилайман. Доим соғ-саломат бўлинг.

Дўстингиз Мамадали

«ОИЛА-500»

Асли Хатирчиданман. Ешим 33да. Фарзандсизлигимиз туфайли турмушимиз бўлмади. Бултур эрим уйланганди. Яқинда хотини угил туғди. Қишлоқдан бош олиб қиқиб кетдим. Тақдир туфони мени Тошкентга етаклаган экан. Лекин бу ерда нима қилишимни билмай бошим қотди. Агар бир бошпанали одам бўлса, турмушга чиқишга ҳам розиман. Агар булажак рузгорим бошлигининг болалари бўлса, жонимни бериб бўлса ҳам уларга қарашга розиман. Агар уша одам яна фарзанд куришни истаса, мени даволатсалар. Мен уларнинг бу яхшилиқларини минг чандон қилиб қайтариш илижида қолган умримни утказаман.
Мени саодатли кунлар томон етаклайдиган азиз инсон, юрагимнинг ёлғиз эгаси, Сиз қайдасиз?

ЯХШИЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Изҳор

Уғлимиз Муродилла Бобоев ҳарбийлашган ут учирини қисмида хизмат қиларди. Утган йил 12 ноябр куни хизмат вазифасини утаётган пайтда бевақт ҳалок бўлди. Бошимизга оғир мусибат тушган ана шундай дамда Самарқанд вилояти ИИББ ва Каттақурғон тумани докимлиги вакиллари оиламизга ташриф буюриб, ҳамдардлик билдиришди, катта ғамҳурлик қурсатдилар. Оғир дамда ёлғизлатиб қўймаганлари учун уларга оиламиз аъзолари номидан миннатдорчилик билдираман.
Нор БОБОЕВ, Каттақурғон тумани, Р.Исломова жамоа ҳўжалиғи

ЁҚИМЛИ ИШТАҶА!

Куйида хамирдан тайёрланадиган икки хил таомни тайёрлаш услуби ҳақида маълумот берамиз, ўйлаймиз-ки, бу тансиқ таомлар оила аъзоларингизни барчасига хуш ёқад:

НОРИН

Қазини билан тузланган сургуштини совуқ сувли идишга солиб 2 соат давомида қайнатилди.
Шу вақт ичида оддий, хамиртурушсиз хамир қорасиз. 10-15 минут тиндирилади. Сунг мушглаб қалинлиги 2-3 мм. келадиган ёймарал ёясиз. Уни буйи 15 см. эни 5 см. узунлидаги тасмалар шаклида кесиб олиб, қайнаб турган шурвага

солиб пиширасиз. Обдон совуғач хамирларни доғ қилинган ёғ билан ёглаб, бир-бирининг устига таҳлаб лаганларга терасиз.
Гушт билан қазини худди гугурт чунига ухшатиб туғраб алоҳида идишга солиб қуйингда, хамирни ҳам худди шундай ҳолда туғранг. Туғралган гушт билан хамирни қориштираман. Таом тайёр. Дастурхонга тортишда таъбга қараб

пиёз ёки ошқуқлардан фойдаланишингиз мумкин.

ҚИЙМАЛИ УГРА ОШИ

Қозонга сув қуйиб халқа шаклида туғралган пиёз-сабзи солиб паст оловда қайнатасиз. Қиймаси учун гуштини майдалагичдан утказасиз, думба ёки чарвини майда туғраб аралаштирасиз. Майда туғралган пиёз, гушт, тухумни аралаштириб, зира, мурч селиб мижийсизда, ёнғоқдек катталиқда кифталар ясайсиз. Шурванинг қайнаган жойларига кифталарни битталаб ташлайсиз. Тухум чақилган сувда қаттиққина қилиб қорилган хамирни норин-

Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 422-болалар боғчасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

га тайёрлагандек ёясиз. Сал қотириб туриб майда сомонча шаклида туғраб оласиз.
Дастурхонга тортишдан 10 минут олдин уграни қозонга солиб оловни баянд қиласиз. Утра қозон юзига қалқиб чиққач оловни учирасизда, ҳар бир косага кашнич, қатиқ ёки қаймоқ аралаштириб, дастурхонга тортасиз.

УЙ БОЗОРИ ЁҒАЙМИ?

Йилдан йилга юртимизда бозорларга эътибор кучаймоқда. Мавжуд бозорлардаги савдо расталари замонавий ва шарқона меъморчилик услубини узидан уйғунлаштирган ҳолда қайта қуриляпти, янги-янги бозорлар барпо этилмоқда.

Бугун биз ана шундай бозорлардан бири — пойтахтимиздаги уй бозори ҳақида суз юритмоқчимиз. Олдиндан айтиб қуйлик, унинг на бир муқим манзили, на бир аниқ ҳудуди бор. Кейинги йилларда у икки-уч жойдан қўнғинга учради. Айни пайтда «Амир Темуր ҳибони» автобус бекати худудидан кўним топган. Тудуда бўлиб турган бир неча юз одамни ҳисобга олмаганда бу ернинг бозорлигини курсатадиган бирор белги йўқ. Ҳайрон бўларсиз: «Бошқа бозорларда расталарнинг бўлиши табиий, чунки одамлар раста оралаб узига зарур нарсани қилиради, танлайди, савдолашади ва харид қилади, лекин унинг растага ёйиб қўелмайёз-ку», деб. Гапингизда жон бор. Лекин шаҳарнинг турли ерлари-

дан ижарага жой олиб, кучмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланаётган фирмаларнинг офислари бир жойга жамланса, шу ерда хусусий далолюлар — маклерлар учун ҳам маълум шарт-шароитлар яратилса, уй бозорининг фаолияти бундан фақат жонланади, менимча. Шунда квартира ёхуд ҳовли оламан, деб яхши ният қилган харидор фирмдан фирмага, маклердан маклерга утиб, жойлашган манзили, квадрат метри ва нархи узини қаноатлантирувчи уй-жой излаши осонлашади. Шу ерда сотувчи ва харидорларга зарур маслаҳат ва йўл-йўриқ берадиган юридик маслаҳатхона, олди-сотди шартномаларини ортиқча оворагарчиликларсиз расмийлаштириш мумкин бўлган нотариал идора ҳам очиб қўйилса, бозор мижозлари бундан фақат ютади.

Шаҳримиздаги мутасадди идоралар раҳбарлари бу хусусда нима дейишаркан?

Даврон БЕК

Фикр

Бўсагадаги ўйлар

Айни балоғат ёшига етганимда, энди менинг орзуларимни қураман деганларда, онажоним бевақт оламдан ўтдилар... На чора, куйиб-ёйиб айрилиққа ҳам кўнликдим. Онамнинг мунис сиймолари ҳануз кўз олдимдан кетмайди.

Ҳозир буювжоним билан бирга яшайман, илоҳим, умрлари узун бўлсин. Кўпича насиҳатлар қилиб, кўнглиمنى кутариб утиралдилар.

Онам раҳматли жуда барвақт турардилар. Уйимизда кечкурун ҳамма эртанги ишлар бажарилиб, эрталабки нонуштагача дастурхонга қўйилиб, устини сочик билан ураб қўйиларди. Фақат онам хамирни кўпича тунда қориб қўйиб, эрталабки чойимизга бурсилдоқ ноиларни ёйиб берадилар. Бувим ҳар доим дуо қилганлари-қилган эди. Буювжоним онам билан нега бунчалар иноқ эканликларини энди-энди тушунаётиман. Узим ҳам онамдек саришта бўлишга ҳар доим ҳаракат қиламан. Чунки мен ҳам яқин орада келин бўлиш арафасидаман.

Очилини айтсам, қувёв томон қариндошларини, булажақ қайнона-

қайнонамларни яхши танимасдим. Бир кўни улар олатдагилик байрам арафасида бувимларга, менга совғалар олиб келишганда, тасодифан уларнинг сўхбатларини эшитиб қолдим. «Набиранинг раҳматли онасига ухшаган ажойиб келин бўлади, ҳовли-жойларининг худди келинининг бораг пайтлардагидек орасталигини қараг! Онасининг бор фазилатлари қизига утган-да, ҳали бизнинг уйимизни ҳам фойза гулдириб, бир фаришталик келин бўлсинки, худо хоҳласа...» Шу гапларни эшитдим: кўзларимдан ёш тиркираб кетди. Ва қалбимда уларга нисбатан илик меҳр туйдим. Менга эрталардаги бахт керак эмас, агар мана шу меҳрибон одамларнинг дуоларини олиб, хизматларини қилсам, уйлайманки, оиймининг руҳлари шод бўлади.

Уларнинг ҳар қандай гапларини ҳам кутаришга тайёрман. Фақат, ниятим шунки, «Келинимиз онасига ухшаган келинчак бўлди», дейишса бас. Бахтни сақлаш, бахтли бўлиш ҳар бир қизнинг уз қўлида бўлса керак, яна ким билади, олдиндан бир нарсга дейишга ҳам қўрқасан, киши...

Олтиной ҚОДИРОВА,
Андижон шаҳри

ОНАЖОНИМДЕК КЕЛИН БУЛАМАН...

ҚАДИМ Миллатлар ва одатлар
АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ УДУМЛАР

Одатда корейликлар учун бир неча авлод вакиллариининг бир уйда яшаш анъанавий ҳол ҳисобланади. Ун—ун икки ва ундан ортиқ аъзоси бор оилалар Корейда оз эмас. Лекин замонавий турмуш тарзи, гарбона удумларнинг корейслар турмушига кириб келиши туфайли бундай катта оилалар йилдан-йилга қаммайиб бораётганлиги кузатишмоқда.

Корейс оиласида тартиб кичикларнинг катталарга бўйсунушига асосланган: болалар ота-онага, хотин эрга, ука акага ва ҳоказо. Барча масалаларда оила бошлигининг сузи қонун ҳисобланади, оиланинг барча аъзолари унга сузсиз амал қиладилар. Ҳатто халқ эртакларида одобли ва ақли уғил-қизлар, оиланинг шаънини, эрига салоқатини сақлаш учун улимга ҳам тайёр аёллар тимсолли этакчилик қиладилар.

Бутун дунёда эркак ва аёл тенг ҳуқуқли бўлиши учун чин маънода ке-

таётган кураш, корейсларнинг турмуш тарзи ва оилага муносабатига ҳам уз таъсирини утказмоқда. 1991 йил январдан кучга кирган «Оила туғрисида»ги Қонун жамиятда турли жинс вакиллари орасидаги тенглик, тенг ҳуқуқчилик жараёни қарор топишини тезлаштирди. Шу қонунга қўра, Корей тарихида биринчи марта никоҳдан ажралиш пайтида хотин мол-мулк тақсими ва урғалаги фарзанд кимнинг тарбиясида қолиши кераклиги масаласида уз талабларини баён этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, жуда кўп корейс йигит-қизлари турмуш қўрагач, ота-оналаридан ажралиб чиқиб, алоҳида рўзгор қилишга интилишяпти.

Хуллас, Корейда асрлар оша амал қилган анъаналар аста-секин янгиланмоқда.

ДОНИЁР тайёрлади



Оппоқ қор тагида баҳор нафаси

қилди. Бордим. Кузи ожиз қайнонаси ва уч боласи билан каттагина ҳовлида яшаркан. Уникага тез-тез қатнаб турдим. Муносабатларимиз шу даражада қуюқлашиб кетдики, бора-бора эру хотиндек бўлиб кетдик. Амалимдан фойдаланиб, аёлга қўлимдан келганича ёрдам берадим. Лекин негадир ундан кўнглим совий бошлади. Узи уни севганманми, ҳуснига учганманми, билолмадим. Ёки тубанлашиб кетдимми... Сабаби, уша кезлар мен Самарқандда тўй қилиб, эндигина уйлангандим, ҳомиладор хотиним, ота-онам мени интизор бўлиб кутишса-да, уйга бормас, ҳатто

дими. Лекин орамиздаги илиқлик урнини қандайдир совуқ муносабатлар эгаллай бошлаганди. Уч боласининг ҳурмати учун эри унга уй олиш учун пул берди. Чирчиқдан уй олиб, уша ерда бирга яшай бошладик. Аммо у ҳақидаги турли миш-мишлар менинг қўлогимга етиб кела бошлади. Аввалига ишонмагандим. Лекин... Шу кўнларнинг бирида онаси келиб мени уйдан ҳайлаб чиқарди.

Кўни кечагина «сизни севаман», — деб юз хил қасамлар ичган аёл бугун мендан нафратланяпти.

Энди Самарқандга, ота-онам, Сизнинг газетангизни яхши қурадиган хотиним ва ҳали мени танимайдиган уғилчамнинг ёнига қайтмоқчиман. Сузларимга-ку ишонишмас, аммо сизларга ишоншар, дея умид қиламан...

Йигит хайрлашиб чиқиб кетганига ҳам анча бўлди. Мен эса... Анча вақт хаёллар гирдобидан чиқа олмай утирдим. Кейин қўлимга қалам олиб Фарҳоднинг иқрорини шундайлигича қозога туширдим. Ким билади, балки бу иқдор мунгли келинчакнинг севинчига айланар! Балки шу кўнларни йиллаб қўтган умид осмонининг тўнларида бахтининг порлоқ юлдузлари порлай бошлар...

Басира САЙИД АЛИ тайёрлади

Азият

Кеч бўлиб қолганди. Анча толиққандим. Шунинг учун ҳонага бош суқиб «Мумкинми опа?» — дея жолотомуз термулиб турган йигитга унча хушламайроқ қарадим. Мулозамат қилдим, у ичкари кирди. Қаршимга утирди. Унга қарай туриб алланечук бўлиб кетдим. Қўзларидани мунг, бутун танасини ларзага солаётган изтироб хаёлимни угирлади. Бир зумда унга кизикиб қолдим. Гап сурашга негадир иймандим. У ҳам жим.

Ниҳоят «Опажон», — деди йигит, унинг қовоқлари учиб кетди. Мен бунни сезмаганга олдим. Сунг у бир муддат жим қолди. Кейин бояги охандан сал пастроқ пардада сузлаб кетди:

— Бошимга анча савдолар тушди. Айтсам айб қилмасиз. Икки йилдан бери қийналиб кетдим. Охири шу қарорга келдим... Эркак бўлиб не қўйларга тушганимни айтмаверсам... Агар иложи бўлса газетда чиқарсангизлар... Менинг шугазета-

дан булак ишонганим, сизлардан булак дарддошим йўқ. Кейин...

Йигит билан анча гаплашдик. Мен унинг айтганларини қандай бўлса шундайлигича газетда босишга суз бердим. Ва ниҳоят унга берган сузим амалга ошайтир. Уқиб куриг, эҳтимол бу йигитни сиз танирсиз.

КЎНГИЛ ТУНЛАРИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ БОР...

Исिम Фарҳод. Тошкент шаҳридаги обрўли илм даргоҳларидан бирини тугатиб, катта даргоҳлардан бирига ишга жойлашдим. Бир кўни ҳузуримга бир жувон кириб келди. Уни қўриб лол қолдим. Очиғи бундай гузал аёлни умримда қурмагандим. Эрининг иши буйича келган экан, ёрдам беришимни илтимос қилди. Йиғлаб-сиктади. Қўлимдан келганича унга ёрдам бердим, кўнглини кутардим. Бир неча маротаба келиб кетгач, менга майли борлигини сездим. У уйига таклиф

бу парвойимга ҳам келмасди. Аёлнинг ёши 35да, мен эса эндигина 24 ёшга киргандим.

Бора-бора муносабатларимиз ҳаммага ошкор бўлди, унинг қариндошлари ҳам, меникилар ҳам аллақачон ҳаммасини эшитишганди. Бу орада эри ҳам хабар топди. Уртада жанжал бўлди. Ишдан ҳайдадим. Лобар ҳам эридан ажрашди. Лобарнинг ота-онаси «қизимнинг оиласини буздинг, энди йўқол!» — десалар ҳам кетмадим. Мен унга уйланишга қарор қилган

«БОЛАМ БИЛАН УЧРАШСАМ»

Ҳуқуқшунос Р. Ҳаққулов жавоб беради

Ҳуқуқий дарсхона

Мен турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Икки нафар вояга етмаган болаларим онасида қолган. Доим равишда нафақа тўлаб келаман. Лекин болаларимни кўриш, улар билан учрашиш имкони йўқ. Собiq турмуш ўртоғим бунга йўл қўймапти, мен болаларим билан учрашиб туриш ҳуқуқига эгаманми?

М. НИЗОМХҲҲАЕВ

— Ота-оналар бир-бири билан ажрашиб, алоҳида-алоҳида яшасалар, улар фарзандлари тарбияси учун уларга гамхўрлик қилиб иштирак этишга мажбурдирлар.

Улар уз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадирлар.

Ота билан она уртасидаги никоҳ бекор бўлганида ҳам, улар уз болаларига нисбатан тенг мажбуриятларга эгадирлар.

Ота-она бошқа-бошқа турган-

ларида, вояга етмаган болаларнинг ким билан туришига уларнинг келишувига қараб белгиланади. Агарда келишма-келишмас, низо суд томонидан болаларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

Суд боланинг еши ва услиҳини ҳисобга олиб, унинг ота-онасидан қайси бири билан қолиш истаги борлигини аниқлайди. Лекин боланинг истаги, агар суд уни боланинг манфаатларига мос келмайди деб, топса, унинг

истагини қаноатлантириш мажбурий эмас.

Боладан алоҳида турадиган ота ёки она уни таъминлаш ва тарбиялашда иштирак эта олади ва у билан куришиб туришга ҳақли.

Бола билан бирга яшаётган ота ёки она бошқа турадиган ота ёки онанинг бола билан куришиб, учрашиб туришига ва уни тарбиялашда иштирак этишига қаршилик қилишга ҳақли эмас.

ОЗОДЛИККА НЕ ЕТСИНИ!

Мактуб

Конституция қабул қилинган кунга 5 йил тулиши муносабати билан Республикамиз Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Бу ҳаётда биллиб-билмай, тушуниб-тушунмай жиноят қилган, қоқилган инсонларга курсатилган мурувват ва инсонпарварликнинг юқори намунасидир. Қолаверса, авфнома юксак ишонч ҳамдир. Ишончки, маҳбус узига тегишли хулоса чиқариб, тавба-тазарру қилсин, қайтиб бундай номаъқулчиликка қўл урмасин.

Зотан ҳибсхонадаги ҳаёт озодликдаги турмуш тарзидан буткул фарқ қилишини бошдан кечирганларгина ҳис этади. Шу боис ҳам аксарият маҳбуслар озодликка чиқишни бахт, деб баҳолашади. Мен ҳам ана шу бахтга муяссар бўлганлардан бириман. 7 йилга озодликдан маҳрум этилган эдим. Гуноҳимдан кечишиб, ишонч билан яна ёру-дустларим, ота-онам бағрига қайтаришганидан... йилгагим келаяпти. Ҳеч ким ҳаётда адашмасин экан, айниқса аёл ҳибсхонага тушмасин. Бу ҳаёт сабогидан узимга тегишли хулоса чиқардим. Энди мен фақат яхшилик учун яшашга интиламан. Фақат ёр-дустларим, маҳалла-қуй, одамлар мендан узларини олиб қочишмаса, кулларини паҳса қилиб «бу қамалиб чиққан», дейишмаса бўлди.

Аёлларга, умуман инсонларга айтадиганим, бировга озор етказишмасин, жиноятга қўл уришмасин. Ахир аёлга кишан эмас, бир оилани гулдек қилиб обод этиб утириш ярашади. Ҳибсхонада этиб шундай хулосага келдим.

Дилфуза КАРИМЖОНОВА,
Андижон шаҳри



— Бўйи етмайди дейишпиди, а?

ОЗИ ЯХШИМИ?

Е, пирай!

Ўзбек халқининг «Болали уй бозор...», деган мақолига ўхшаш мақол бошқа жойларда ҳам борми-йўқми билмадик. Аммо қатор ГАРБ мамлакатларида хусусан, Россияда фарзанд кўриш орзу, интиқиб қутиладиган воқеа бўлмай қолгани рост. Аксинча...

Россияда туғиш ёшидаги аёлларнинг тўртдан уч қисми биттадан ортиқ фарзанди бўлишини истамайди. Янги туғилган ҳар бир чақалоққа 2,08 та аборт тўғри келади. 1997 йилда мамлакатда ҳар минг кишига 8,8 та бола тўғри келган.

ЖУДА СЕКИН УЧДИНГИЗ

Жаҳон кулади

ДАН инспектори қоидабузарни тухтади:

— Хавфсизлик камарини боғламабсиз-ку, 25 сум жарима туланг.

Эртасига шу ҳайдовчини яна тухтади.

— Камарни номтагина ташлаб олибсиз, боғлаб қўйиш керак. Қани, 25 сум жарима туланг-чи.

Учинчи кун ҳам шу аҳвол такрорланди. ДАН ходими камарни тортиб кураётган эди, ҳайдовчининг жаҳли чиқиб деди:

— Қанақа одамсиз уз, 25 сум учун шу камар билан бу-

ғиб қўйишга тайёрсиз-а?

ДАНчи «600-Мерседес»ни тухтади.

— Қурол борми?

— Йўқ.

Юкхонани очилса, «Калашников» турибди.

— Бу нима?

— Калкулятор-ку, қурмаяпсизми.

— Калкулятор мана бунақа булади, — деди ДАНчи чунтагидан калкулятор чиқариб. — Бу эса автомат дейилади.

— Э, йўқ, командир, сиздаги хомчут қиладиган калкулятор, меники эса гулдек ҳисоб-китоб қиладигани.

ДАН ходими осмонга қараганча йўлни кесиб угаётган пилдани тухтади.

— Агар шунақа қилиб, йўлга эмас, осмонга қараб юрадиган бўлсангиз, тез орада борадиган манзилингизга эмас, уёққа стиб оласиз, — деди уосмонга ишора қилиб.

ДАНчи «Мерседес»ни тухтади.

— Нима, жуда тез ҳайдалдимми?

— Йўқ, жуда секин учдингиз.

Судя айбланувчидан суради:

— Айтинг-чи, нега бу машинани олиб қочдингиз?

— Нималар деяпсиз? Қарасам, у қабристон оялида турган экан. Эгаси улган бўлса керак, деб уйлабман.

— Шунчалар ҳам нуноқ ҳайдовчимсиз? Бир ойда турт кишини босиб кетибсиз.

— Уч кишини.

— Лекин бу ерда «турт кишини», деб езилган-ку.

— Биттасини икки марта босганман.

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий «Матбуот таркатувчи» акциядорлик жамияти

Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Шиоримиз: Оила - жамият фахри

Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20 Котибият - 34-86-91 Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ Тошкент- 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00 Босишга топширилди - 19.30

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33 Буюртма Г- 0997 29711 нусхада чоп этилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Чоршанба кунлари чиқади. Баҳоси эркин нархда. Навбатчи Даврон БЕК

XX аср: ҳодисалар силсиласи

Ер юзидagi энг кенг куча Бразилия давлатининг пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳрида жойлашган. Унинг узунлиги 24 километр, эни эса 250 метрга тенг.

Германиянинг «Корте» фирмаси тайёрлаган кўзойнак қимматликда унча-мунча машиналардан ҳам утади. Нархи 21 минг дойч марка бўлган бу кўзойнак олтин ва платинадан ясалган ҳамда бриллиант ва зумрад тошлар билан безатилган.

Дания пойтахти Копенгаген шаҳридаги «Оскар Давидсон» ресторанидаги таомноманинг узунлиги, 1 метрдан зиёд бўлиб, унда 177 номдаги таомнинг нархи курсатилган.

Инглизлар ҳам чойхур халқ ҳисобланади. Шунданми, бу ерда 3,3 метр бўлган чойнак ҳамда шундай катталикдаги ликопча ва пиела ясалди.

Америкаликлар купрок тиш милкининг касаллигини шидан нолиб дўхтирга муружаат этишаркан. Мамлакат аҳолисининг 80 фоизи шу дардан жабр куриши аниқланган.

Голландиянинг Роттердам ва Эйнховен шаҳарлари оралигида узунлиги 1,5 километрдан зиёд бўлган поезд қатнайди. У битта тепловоз ва 60 та вагондан иборат.

Боготилик банк хизматчиси Эдгар Медини ватандоши Габриэл Гарсия Маркеснинг «Таъхоликнинг юз йили» асарини эни 3,5 сантиметрли қоғозга кучириб чиқди. Китоб 2091 метр қоғозга жо бўлди.

Нидерландиядаги Стенвейк шаҳрида кучага икки километрли стол ўрнатилиб, бир йўла 6626 киши учун нонушта уюштирилди. Мехмонлар 22 минг дона ширин кулча еб, нақ икки минг литр кофе ичишди.